

---

## Риштон тумани электр таъминоти корхонаси билдириши

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Совуқ суяк-суягимиздан ўтиб кетди” номли мақола эълон қилинди. Ушбу мақол юзасидан Риштон туман электр таъминоти корхонаси қўйидагиларни маълум қилади. Меҳнатобод МФЙ, Чек-Жалаер МФЙ, Чек-Насриддин МФЙ, Жаҳонобод МФЙ (бир қисми) ва Янги-Бужай МФЙ (бир қисми)ларидаги истеъмолчилар ЛМП-110кВли ҳаво узатмасидаги 110/10 кВли “Навоий нимстанциясидан чикувчи 10 кВли “Искандар”, “Абдулла”, “Кайрағоч” ҳаво узатмаларидан электр энергиясидан таъминланган.

Ҳозирда жойларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши билан истеъмол қувватига нисбатан ишлаб чиқарилаётган электр энергиясида қувват етишмовчилиги юзага келади. Бундай вақтларда, тизимда ҳосил бўладиган режимлар турғунлигининг бузилишини олдини олиш учун марказий таъминловчи 110/35 кВли подстанцияларнинг электр узатиш тармоқларида юкломани енгиллаштириш автоматикаси ишга тушиши ҳамда энерготизимда юзага келаётган ёқилғи ва қувват танқислиги пайтларида, белгиланган истеъмол топшириғида ишлаш учун 110/35 кВли тармоқларга чекловлар киритилиши натижасида таъминотда узилишлар кузатилмоқда.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг юқоридаги сабабларга кўра электр энергиясига бўлган талаби кескин ортиб бораётгани, шунингдек, таъминловчи электр қурилмалари (трансформаторлар) номинал юкломга нисбатан ортиқча зўриқиш билан ишлаганлиги натижасида содир бўлган аварияли ҳолатларни бартараф этиш чоғида, авария бартараф этилгунга қадар мазкур линияларда узилишлар кузатилмоқда.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда аварияли оқибатларни бартараф этиш бўйича юқори ташкилотимиз “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ турдош корхоналар билан ҳамкорликда барча зарурий чоралар кўриб борилаётганлигини маълум қилади.

2020-12-07 20:00:11